



УЮШМА КУНДАЛИГИ

Маҳаллада
“Хитой
тажрибаси”
йўлга
қўйилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидаш нборат Республика ишчи гуруҳи Фарғона вилояти маҳаллаларида бўлди.



Сўнгги йилларда юртимизда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Маҳаллаларда янги институтлар фаолияти йўлга қўйилиб, ҳар бир камбағал оиланинг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган индивидуал дастурлар ишлаб чиқилди. Фарғона вилоятида “Хитой тажрибаси”дан фойдаланиб, бу йўналишда яхши натижаларга эришилмоқда.

Олтиариқ туманидаги “Эски араб” маҳалласи — тумандаги намунали йиғинлардан бири. Мазкур маҳаллада “Хитой тажрибаси”дан фойдаланган ҳолда, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсад қилинган. Худудда янги ёндашувлар асосида қўшимча “драйвер” йўналишларни ташкил қилиш мақсадида банк ва “маҳалла еттилиги” ходимлари хонадонма-хонадон ўрганиш ишларини олиб борапти.

Республика ишчи гуруҳининг маҳалладаги ўрганишлари давомида “Омбор китоби”ни шакллантириш, ижтимоий шерикчилик шартномаси, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш каби муҳим жараёнлар таҳлил қилинди. Бундан ташқари, “Маҳалла сервис компанияси”ни ташкил этиш борасидаги ишларнинг бориши ўрганилди. Тегишли топшириқлар берилди.

Риштон туманидаги “Оқ томир” маҳалласида ҳам “Хитой тажрибаси” асосида 32 та йўналишда аҳоли даромадини ошириш бўйича ўрганишлар олиб борилди. Маҳаллада янги ёндашувлар ва пилот лойиҳалар асосида қўшимча “драйвер”лар ташкил қилиш бўйича масъуллар хонадонма-хонадон ўрганиш олиб борапти.



ШАРҲ

Бу хабар, табиийки, кўплаб маҳалла ходимларида хавотир уйғотди. Хўш, энди раисларнинг ойлик маоши қисқарадими?

Жорий йилнинг 1 январидан бу тартиб бекор бўлди. Гап шундаки, Президентнинг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан, мазкур Ҳукумат қарори ўз кучини йўқотди. Шунга асосан, 2025 йил 1 январдан бошлаб, рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан устама тўланмайди.

САМАРАЛИ
ФАОЛИЯТ, АЛБАТТА,
РАҒБАТ ТОПАДИ

2021 йил 28 декабрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар тўлаш белгиланган эди.



Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ
СОНДА:

“Беш ташаббус
олимпиадаси”
янада оммала-
шарди, агар...

Аксарият ёшлар қобилиятини намоён этишдан кўра, олийгоҳга кириш учун тайёргарлик қўришни маъқул билади. Вазиятдан келиб чиқиб, ҳар икки мақсадни амалга оширишлари учун Республика босқичида ёлиб бўлганларни олийгоҳга имтиҳонсиз қабул қилиш тарафдориман.

4-с.

Ҳокимнинг қарори
ижро топмаса,
айбдор ким
бўлади?

Назаримизда, маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари солиқ тўловчилар билан янада кўпроқ ишлаши лозим. Бу борада Нишон тумани солиқ инспекцияси раҳбарияти ходимларининг фаолияти қанчалик қонуний амалга оширилаётганини бир таҳлилдан ўтказса, фойдадан холи бўлмайди.

5-с.

Ҳар бешинчи
ёш авлод
сигаретага
қарам!!!

Таҳлилларга кўра, мамлакатда электрон сигареталарни чекувчи ўсмирлар ва ёшлар салмоғи катта ёшдагиларга нисбатан уч баробар кўп. Энг ачинарлиси, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари орасида электрон сигареталарга қизиқиш тез суратларда ортмоқда. Хусусан, 26,6 минг ўғил болалар ва 8,6 минг қиз болалар чекишга мойил.

6-с.

Тангри берган
неъматни
исроф қилиш —
катта гуноҳ

Йиғилишда Ўзбекистон му- сулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг нутқларини тинглаган кишининг қалби ларзага келди. Куръон ва ҳадисга асосланган қисқа, бироқ кенг қамровли биргина шу нутқ кишиларни жамият ҳаётига теранроқ назар солишга ундади, десак хато бўлмайди.

8-с.

Қариндошлар
ўртасидаги никоҳ

АЛОҚАЛАРНИ
ЯХШИЛАШГА
ЭМАС,
ОИЛАЛАР
ТАНАЗЗУЛИГА
ОЛИБ КЕЛЯПТИ



4-с.

100 мингта
оила уй билан
таъминланди



7-с.



Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 6 январдан ҚИСҚА МУДДАТЛИ меҳнат таътилига чиқди.



Давлат органлари ва ташкилотларининг ОЧИКЛИГИ МОНИТОРИНГ қилинади.



Президент қарорига кўра, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ маҳсулотларини етиштириш тизими такомиллаштирилади.

ШАРҲ

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Самарали фаолият, албатта, рағбат топади



Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.)

Аслида, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори 2022 йилдан бери ишламаётган эди. Чунки устама тўлашининг молиявий манбаси сифатида маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисми кўрсатилган. Шу боис аксарият ҳолларда маблағ мавжуд бўлмагани учун маҳалла раисларига устама тўланмаган. Қолаверса, “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарориди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган. Шу талабдан келиб чиқиб, эндиликда маҳалла ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида “КРП” тизими йўлга қўйилляпти. Бу орқали яхши ишлаган, фаолиятида юқори натижа кўрсатган маҳалла раислари қўшимча рағбатлантирилади. Демак, хавотирга ўрин йўқ. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган қўшма қарорга кўра, маҳалла раислари фаолияти энг

муҳим самарадорлик кўрсаткичлари — “КРП” бўйича баҳоланади. Жумладан, маҳаллада ишсизлик даражаси кўрсаткичи Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг, жиноятчилик даражаси кўрсаткичи Ички ишлар вазирлигининг, оилавий ажралишларни қисқартириш кўрсаткичи Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг, кам даромадли меҳнат мигрантларини қайтариш кўрсаткичи Миграция агентлигининг, томорқадан самарали фойдаланиш кўрсаткичи “Онлайн маҳалла” электрон платформаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман

(шаҳар) бўлими маълумоти асосида ободонлаштириш ҳолати, ҳисобот йили даври учун йўл харитасининг бажарилиши мониторинги, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш кўрсаткичи, иш режаларининг бажарилиш ҳолати, “маҳалла еттилиги” фаолиятдан аҳолининг қониқиши даражаси, “маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан ҳар ойда камида 10 та муаммоли масаланинг ҳал этилишини назоратга олганлик кўрсаткичи инобатга олинади. Баҳолаш натижасига кўра, “аъло” ва “яхши” деб топилган маҳалла раисларининг лавозим маошига қўшимча устама белгиланган, моддий рағбатлантириш назарда тутилган.

ЯНГИОБОД — НОМИГА МОНАНД ОБОД КЎЧА БЎЛАДИ

Бағдод туманининг “Бедарак” маҳалласидаги Янгиобод кўчасига аҳоли кўчиб келиб, яшай бошлаганига кўп бўлмади. Шу боис бу ерда инфратузилма билан боғлиқ муаммолар тўпланиб қолганди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан 50 га яқин хонадонда истиқомат қилаётган аҳоли муаммоларига ечим топилди. Ҳозирда амалий ҳаракатлар бошланиб кетган. Жумладан, Янгиобод кўчасининг 2,65 км. ички йўллари тўлиқ шағаллаштирилди. 2 км. қисмига шебен тўкилиб, махсус техникалар ёрдамида текисланди. Электр таъминотини яхшилаш бўйича 44 дона электр таянч устунлари ўрнатилди. У 1,7 км. узунликда тармоқ тортилди. Кўчаларга 30 дона қуёш панелли тунги ёритиш чироқлари ёйишилди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 3 та махсус техника жалб қилиниб, 2 минг 450 метр узунликда тармоқ тортилди. Айни вақтда ичимлик сув қудуғини қазиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, кўчада истиқомат қилувчи 49 та оилага 20 тонна кўмир ҳамда 32 та оилага 32 дона суолтирилган газ баллони етказиб берилди.

Умуман олганда, яқин фурсатда мазкур маҳалла ҳудуддаги обод ва фаровон йиғинлардан бирига айланади.

“ЕТТИЛИК”КА АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адҳам Зиявитдинов Бешариқ туманидаги “маҳалла еттилиги” вакиллари билан учрашди.

Йил бошида режалар тузиб, ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларни, фаолият самарадорлигига қара-тилган вазифаларни белгилаб олиш — яхши анъана. Шунга кўра, мазкур учрашувда “еттилик”нинг иш жараёни, йиғинларни кам-бағаллик, ишсизлик, миграция, оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ташаб-

буслар, аҳоли муаммоларини ҳал этиш борасида олиб борилаётган юмушлар ҳусусида яқиндан суҳбатлашилди. Савол-жавоб тарзида ўтган мулоқотда “маҳалла еттилиги” олдидаги муҳим вазифалар, йиғинларнинг “Омбор китоби”ни тўғри шакллантириш бўйича муҳим тушунтиришлар бериб ўтилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

18 ЁШДАН КАТТА БОЛАЛАРГА АЛИМЕНТ ТЎЛАНАДИМИ?

Элдор ДЕҲҚОНОВ, Улқўрғон туманида “Қўғай” маҳалласи раиси:

— Фаолиятимизда фуқаролардан турли мазмундаги муурожаатлар келиб тушади. Ваколатимиз доирасида ҳал этиладиган масалаларга жойида ечим топамиз. Айрим ҳолларда ҳуқуқий саволларга дуч келамиз. Яқинда ишсиз сифатида рўйхатда турган, оиласи билан ажрашган фуқаро шундай савол билан кўмак сўради. Бу йигит фарзандига алимент тўлаб келади. Маълум бўлишича, жорий йил фарзанди 18 ёшга тўлган. Бироқ ҳамон ундан 18 ёшдан катта фарзанди учун алимент ундириляпти экан. Шу тўғрими?

Аброр ЭЪЗОЗХОНОВ, Адлия вазирлигининг “Мадад” ННТ ходими:

— Тўғри, бо-лаларга алимент тўлаш улар 18 ёшга тўлгунигача амалга оширилади. Оила ко-дексининг 100-мод-дасига кўра, ота-она ўзаро келишув билан ёки суд тартибида вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент бериши шартлиги кўрсатил-ган.

Агар танишин-гиз 18 ёшдан катта фарзандига ҳамон алимент тўлаётган бўлса, бунга иккита сабаб бор. Биринчи-си, фарзанди 18 ёшга тўлгунигача бўлган вақт учун тўланмай қолган алимент қарздорлигини энди тўлаяпти. Иккинчи ҳолатда 18 ёшга тўлган фарзанди меҳнатга лаёқатсиз бўлганлиги учун их-тиёрий ёки суд тарти-бида ундан алимент ундириляпти.

Ўзгаришлар туфайли машаққатлар ўтмишга айланыпти

“Маҳаллабай” ишлаш тизимида ҳар бир раҳбар қўйи тизимга тушиб, муаммоларни ҳал этаётгани чекка-чекка ҳудудлардаги шароитни янгиламоқда.

Баҳовиддин ХУДОЙБЕРДИЕВ, Китоб туманидаги “Денов” маҳалласи раиси.

Б уни маҳаллаимиз мисо-лида кўриш мумкин. Яқингача кўчала-римиз қишда лой, ёзда чанг бўлиб, аҳолига қийин-чилик туғдирарди. Тизимдаги ўзгаришлар сабабли энди машаққатлар ўтмишга айланыпти.

2025 йил қувончли янгилик билан бошланди. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида таъмирталаб йўллар асфальтланяпти. Янги йилнинг илк кунидан қўла-ламзорлаштириш ва обо-донлаштириш билан боғлиқ амалий ҳаракат бошланди. Хусусан, танлаб олинган Де-нов-4 кўча бўйига 150 метр узунликда ишком қуриляпти. “Сайхунобод тажрибаси” асо-сида ҳар бир хонадоннинг имкониятидан келиб чиқиб, паррандачилик, чорвачилик, иссиқхона, томорқачилик йўналишларида имтиёзли кредит ажратилляпти.

Жараёнда ишсиз ва камбағал оилалар билан алоҳида ёндашув асосида ишляпмиз. Уларга мавжуд имкониятдан самарали



фойдаланиб, юқори даромад топиш мумкинлиги тушунти-рилмоқда. Тарғибот ҳара-кати самарали бўлиши учун амалда томорқадан яхши фойда олаётган фуқаролар тажрибаси намуна қилиб кўрсатилляпти. Жумладан, ўзим хонадонимдаги бўш турган 3 сотих майдонда иссиқхона ташкил этганман. Лимон экиб, қатор орасида картошка етиштираман. Ўт-ган йили лимондан 2 тонна ҳосил олиб, 20 миллион сўм қўшимча даромад қил-дим. Мана шу тажрибадан

руҳланган 4 нафар ишсиз фуқаро томорқасида иссиқ-хона қуришга киришди. “Маҳаллаларни обо-донлаштириш, кўкаламзор-лаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилгани ҳудуд тозаллигини таъминлашда қўл келяпти.

Янги тузилмага маҳалла биноси ҳудудидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида хоналар ажратилди. Шунинг-

дек, махсус техник восита-лар — электр мотороллер, мотокультиватор, пульверизатор (компрессори билан), дезинфекция ва пайвандлаш ускунаси, электр генератор, перфораторни соз ва ишчи ҳолатда сақлаш шарти билан бепул фойдаланиш учун берилди. Муҳими, компа-нияга маҳаллада истиқомат қилувчи 11 нафар ишсиз фуқаро жалб қилинди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси аҳоли ўзини кий-наб келаётган муаммоларга ўзи ечим топиши, ташаббус

кўрсатишига туртки берди. Масалан, 2024 йилдаги мавсумларда 2 та таклифи-миз ёлиб чиқди. Натижада 30-мактабнинг эски биноси капитал таъмирланди. Айни пайтда 6 та кўчанинг 3,5 км. қисмини асфальтлаш жараё-ни бошланди.

Ҳудудда 4 минг 476 нафар аҳоли яшайди. Ўсиш нуқтаси — деҳқончилик, узумчилик, чорвачилик. Кейинги йиллардан асала-ричиликка қизиқувчилар сони ортди. Имтиёзли кредит ҳисобига 40 та хонадонда асалари етиштириш йўлга қўйилди.

Йил бошида қайта хатлов ўтказдик. Дастлабки маъ-лумотга кўра, 42 та ишсиз фуқаро, 14 та камбағал оила аниқланди. Уларга амалий кўмак кўрсатиш учун алоҳи-да дастур ишлаб чиқдик. Қувонарлиси, ўзига туқ оила-лар кўпайиши натижасида эҳтиёжманд хонадонларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш имконияти ошиб борапти. Мисол учун, кам таъмин-ланган оила вакили Шариф Қодировга ҳомийлик ва ҳашар йўли билан уй қуриб бердик.

Бу каби хайрли ишларни йил давомида олиб борили-шини режа қилганмиз.



Давлат органларига иш ҳақини ошириш, хизмат автомобилларини сотиб олиш бўйича ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ тақиқланади.



Президент фармони билан юридик шахсларга нисбатан ЯДРОВИЙ ХАВФСИЗЛИК талабларини бузганлик учун жарималар қўлланилади.



2025 йил якунига қадар “ЯГОНА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ЭКОТИЗИМ” ахборот тизими ишга туширилади.

“Қандай қилиб ишсизликдан холи ҳудудга айландик?”

“Маҳалла-бай” ишлаш тизими ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, муаммоларни ҳал этишда барча соҳалар учун энг мақбул йўл эканлиги ўз исботини топди.

Жўрабек ШАРОПОВ, Бухоро туманидаги “Дехча” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Бу жараёнда ҳоким ёрдамчилари давлат сиёсатини маҳаллагача тушириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш,

шида имтиёзли кредит ажратдик. Масалан, 2024 йилда 41 нафар талабгор мебелчилик йўналишида кредит олди. Бу маблағ эвазига мебел ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олинди. Эътиборлиси, уларнинг 30 нафари камбағал ва ишсиз фуқаролар. Шу кунгача биргина мебелсозлик йўналишида 218 та оила



тадбиркорлик ташаббусини рўёбга чиқариш, шу орқали камбағалликни қисқартиришга ҳисса қўшапти. Ўзим ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, зиммадаги вазифани тўлақонли бажаришга ҳаракат қиляпман. Маҳалламиз аҳли азалдан хунармандчилиги билан маълум ва машҳур. Шу асосида ишсиз юрган фуқароларга, тадбиркорлик йўнали-

бандлиги таъминланди. Шавкат Раҳматов қўлида хунари бўлса-да, моддий имконияти чеклангани учун ишсиз эди. У 33 миллион сўм кредит эвазига мебел корхонасини ташкил этди. Ҳозир ойлик даромади 9 миллион сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, маҳалла аҳлининг, асосан, ховлиларда истиқомат қилиши менга жуда қўл келди. Хона-

дон эгалари томорқадан унумли фойдаланяпти. Аксариятида иссиқхоналар ташкил этилиб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида бодринг, помидор, қўқатлар етиштирилмоқда. 2024 йилнинг ўзида 20 нафар ишсиз, камбағал оила вакилларига иссиқхона учун имтиёзли кредит берилди. Зоҳир Нуриллаев камбағал оила вакили



Маҳалламиз аҳли азалдан хунармандчилиги билан маълум ва машҳур.

бўлиб, оила даромад манбаини яхшилаш мақсадида деҳқончилик қилиш истагини билдирди. Унга ижара асосида фойдаланиш учун 25 сотих ер ажратилди. 30 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобиغا 4 сотихлик иссиқхона ташкил этди. Натижада ойлик даромади 6 миллион сўмга етди. Мухими, оила аъзоларининг барчаси шу ерда иш билан таъминланган. Натижадан рухланган турмуш ўртоғи 33 миллион сўм кредит эвазига чорвачилик фаолиятини бошлади.

Бу саъй-ҳаракатимиз самарасини кўп куттирмади. 2024 йил бошидаги хатловда аниқланган 89 нафар ишсизнинг барчаси ишга жойланди.

Хонадонларга кирганимда, турфа муаммоларга дуч келаман. Уларни ҳар томонлама ўрганиб, ваколат доирасида кўмаклашаман. Дастлабки вақтда имконияти бўлса-да, ишлашни истамаятган фуқароларнинг фикрлашини ўзгартирдик. Бўш ер майдонидан самарали фойдаланиш, қўлидаги хунарини ишга солиш орқали ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айландик.



Ижтимоий тармоққа тартиб керак!

Сўзим аввалида айтиб ўтай, мен ахборот эркинлиги тарафдориман. Аммо соҳада қонуний тартиб ва назорат бўлиши муҳим.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бежизга мақолани шу фикрлар баёни билан бошламадим. Чунки бугунги кунда ижтимоий тармоқ ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгарди. Масофаларни яқинлаштириб, фикрлар чегарасини йўқотди. Албатта, танганинг икки томони бўлганидек, интернетдан фойдаланишнинг яхши ва ёмон жиҳати бор. Мисол учун, маълумот олишнинг тезкор, осон ва қўлай манбаи экани — унинг муҳим афзаллиги. Аммо кейинги пайтда соҳа шу даражада қуйиға шўнидики, ахлоқсизлик, фахш, бузуқликни

тарғиб қилиш одатга ва табиийликка айланиб қолди. Масалан, яқинда ижтимоий тармоқда бир гуруҳ шахсларнинг ҳожатхона қоғозларини йиғиб, остидан автомобилда ҳаракатланиб ўтгани ва атрофни чиқиндига айлантирганига гувоҳ бўлдик. Тегишли суриштирувлар давомида бу ишни қилган ҳуқуқбузарга чора кўрилди. Экология инспекцияси ходимлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида жарама қўллади.

Яна битта блогер автомобили томини тешиб, уердан дудбурон чиқарди. Ўрнатган печида чой қайнатиб, уни интернет тармоғига жойлаштирди. Ҳолат юзасидан маъмурий



иш очилди. Блогер жазоланиб, машина жарима майдончасига қўйилди.

Бу каби мисолларни яна ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Ачинарлиси, уларга ҳуқуқий баҳо берилса-да, ҳуқуқбузарлар сони камайиш ўрнига тартиб бормоқда? Нега?

Демак, юқорида айтганимиз — қонуний тартиб ва назорат етишмаяпти. Ўша блогер бу ишни учун нари борса, 2 ёки 3 миллион сўм жарима билан қутулиб кетяпти. Бошқа жихатдан шу видеоси ортидан камида 20-30 миллион сўм фойда оляпти. Яъни, кўрувчилари ошиши

ҳисобига реклама берувчилар кўпаяпти.

Тақлифим, бундай ҳуқуқбузарликларга қарши таъсир чорасини янада кучайтириш лозим. Масалан, қонунбузарнинг маълум муддат ижтимоий тармоқдан фойдаланишига чеклов қўйилса, шу билан масала ҳал. Чунки асосий даромадни ижтимоий тармоқдан топаётган блогерлар “лайк” ва “просмотр” учун қонуни бузса, 6 ой ёки 1 йил фаолияти чекланишини хоҳламайди. Бундан ташқари, аллақачон “Ижтимоий тармоқлар одоб-ахлоқ кодекси”ни ишлаб чиқиш фурсати келган.

ТАДБИРКОРЛИК ОРТИДАН 28 МИНГ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Маҳаллада кичик тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланиши натижасида ишсизликдан холи ҳудудлар сони ортяпти.



Буни биргина Янгикўрғон тумани мисолида олсак, ҳудудда 3 минг 400 дан ортиқ кичик бизнес субъекти бўлиб, уларда 28 мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланган. 2024 йилда “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 53 та лойиҳа ишга туширилди.

Хусусан, “Истиқбол” маҳалласида тадбиркорлик асосий ўсиш нуқтаси саналади. Мисол учун, Соҳибжон Эргашев асос солган корхона тунука маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. 2020 йилда ташкил этилган тадбиркорлик субъектида йилга 500 миллион сўмгача даромад топиляпти.

Худди шундай, “Юмалоқтепа” маҳалласида тадбиркорлик ривожланиши натижасида янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, ёш ишбилармон Адҳамжон Темиров яқин-яқингача хорижда ишлаб келарди. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага асос солди. 100 миллион сўм кредит маблағи эвазига замонавий дастгоҳ сотиб олди. Ҳозир бу ерда 6 та доимий, 15 та мавсумий иш ўрни яратилган.

Бу каби ташаббуслар тумандаги 71 та маҳаллада кенг йўлга қўйилгани аҳоли даромади ошишига хизмат қиляпти.

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”НИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОШЛАНДИ

Вилоят ҳокимлигида “Аёллар дафтари” тизимининг 6-босқичини бошлаш юзасидан ййгилиш ўтказилди.

Унда январь ойи давомида “маҳалла еттилиги” иштирокида хонадон-ма-хонадон юриш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш масаласи муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда бошқа масъуллар “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичини шакллантириш бўйича тушунча беришди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

НАБИЖОН САТТОРОВ, Бувайда тумани:

— 2024 йил ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошладим. Озик-овқат савдоси билан шуғулланишга ихтисослашган савдо дўкони ташкил этганман. Йил аввалида давлат органлари ходимлари текширув ўтказиш учун келишди. Бу жараёнда қандай ҳуқуқларга эгаман?

“ТЕКШИРУВЧИ КЕЛСА, ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГАМАН?”

СЕВАРА ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлигининг медиа маркази раҳбари:

— Аввало, бу текширув қонунийлигини аниқлаб олишингиз керак. Жараёнда Бизнес-омбудсман бошқарадиган “Ягона давлат назорати” (govcontrol.uz) портали ва унинг GovControl.uz мобилъ иловаси, шунингдек, Тадбиркорнинг виртуал офиси ноқонуний текширувлардан ҳимояланишини-гизда ёрдам беради. Портал ва мобилъ иловадан давлат органлари вакиллари ҳузурингизга текширув билан келганида қандай йўл тутиш юзасидан тушунча олишингиз мумкин. Барча ахборот норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларга ҳаволалар билан бирга тақдим этилган.

Юқоридаги манбалар ёрдамида корхонада ўтказилиши режалаштирилган текширувлар, шунингдек, уни ўтказувчи орган ва мuddати ҳақидаги ахборот билан танишиш, масъулнинг хизмат гувоҳномаси рақами, фамилияси, исмини аниқлаштириш имконига эга бўласиз.

Давлат органи ходимлари текширувни мажбурий тартибда рўйхатга олишини талаб қилишингиз ва электрон рўйхатга олиш китобидан фойдаланишингиз мумкин.

“Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарориди Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби белгиланган. Унга кўра, текшириш бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбари (тадбиркорлик субъекти раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) назорат қилувчи органнинг мансабдор шахсига Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш учун электрон шаклини тақдим этади.

Агар ўшбу ресурсда текширув ўтказилиши ҳақида ахборот бўлмаса, бу ҳаракат ноқонуний ҳисобланади.





Бир киши учун карталар сони битта банкда 5 тагача, барча банкларда 20 тагача МИҚДОРИДА ЧЕКЛАНАДИ.



“Асакабанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Алоқабанк”ни ХУСУСИЙЛАШТИРИШ кейинроққа қолдирилди.



“Афросиёб” ПОЕЗДИ ЧИПТАЛАРИ 20-25 фоизга, “Шарқ”, “Насаф”, “Ўзбекистон” поездлари чипталари 30 фоизга қўтарилади.

4

№2 | 2025 йил 9 январь, пайшанба

Mahalla

МАНЗАРА


“Беш ташаббус олимпиадаси” янада оммалашарди, агар...

Олдин мактабда ёшлар етакчиси бўлиб ишлаганимда ўқувчиларнинг хоҳишига қараб йўл тутардим. Бирор масалада ёрдам керак бўлса, беминнат кўмак берардим. Энди маҳалламиздаги 1,5 минг нафар ёш билан шуғулланишга ваколат берилди.

Жаҳонгир АЛИЕВ, Зарбдор туманидаги “Андижон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Уларнинг ичига кириб борган ҳолда, муаммоларини ўрганиш, истеъдоди бўйича йўналтириш, ижтимоий қийналган ёшларга кўмак бериш каби вазифалар биз, ёшлар етакчилари учун катта масъулият ҳисобланади. Бир неча йил аввал йигит-қизлар ўзи билан ўзи овора бўлиб, мақсадни қаерга йўналтиришни билмасди. Билимли ёшлар олийгоҳга кириб, шартнома пули масаласи туфайли ўқишни давом эттира олмай, миграцияга, узоқ ўлкаларга пул топиш илжинида кетганига тез-тез гувоҳ бўлардик. Менга юклатилган ваколат доирасида мана шундай йигит-қизларнинг шартнома ва тил ўрганувчиларнинг тўғарак пуллари тўлаб берилди. Бемор ёшлар даволатилди. Моддий томонлама қийналганларни таъминлашга эришдик. Улар бошида бундай имкониятлар мавжудлигига

ишонмади. “Ҳақиқатда шундай ёрдамлар бормикан”, деб мурожаат қилишга иккиланарди. Кейинчалик босқичма-босқич ёшлар орзуси рўёбга ошавергач, етакчиларга, масъулларга бўлган ишончи янада юқори бўлди. Кейинчалик фақатгина моддий томонлама эмас, бирор масалага ечим излаш керак бўлганда, янги соҳаларга кириб боришга чўчиб турганда, биринчи навбатда, биз ёрдам бера олишимизни тушуниб етишди. Худудимиз деҳқончилик хўжалигига асосланган. Битирувчи, ишсиз, миграциядаги, қўшимча даромад қилишни истаган ёшларни шу йўналишга жалб этиб, яхши даромад олиши учун мутахассислар билан бирга уларга йўл-йўриқ кўрсатяпмиз. Бу йил 86 нафар мана шундай йигит-қизга ер ажратиб, уларга ерга қайси вақтда ишлов бериш, уруғ қадаш ва суғориш кўникмаларини ўргатдик. Бугун ана шундай тавсиялар асосида йигит-қизларнинг донли экинлардан олаётган ҳосили анча-мунча даромад келтиряпти. Ҳозирда 46 нафар узоқ



“Беш ташаббус олимпиадаси” ўсмирлар орасида жуда машхур.

юртларга ризқ излаб кетиб, меҳнат қилаётган ёшларимизга кўмак бериш билан бандман. Маҳалладошларимиз билан суҳбат қилиш жараёнида уларни юрт соғинчи қийнаётгани, оиласидан узоқда кўнгли ҳузур топмаётганини билиб олиш мумкин. Аксарияти иш бўлса, шу ерда, оила бағрида, тинчлик-хотиржамликда меҳнат қилишни афзал билади. Уларнинг

сўзларини тинглаб, шу ниятдаги 6 нафар мигрантни юртга қайтардик ва ер билан таъминладик. Ҳозирги пайтда ердан яшиғина даромад олаётган Миртемир Жаъфаров ўз вақтида қабул қилган қароридан жуда мамнун. Чунки хориждан қайтиши билан 1 гектар ерни унинг ихтиёрига топширгандик. Ўтган йили бир мавсумнинг ўзига дон маҳсулотларини етиштириб,

28 млн. сўм соф фойда қилди. Бу ҳали биринчи ҳосил эди, ҳолос. Келгусида ердан ҳосил олиш сир-асрорларини янада яхшироқ ўзлаштириб, деҳқончиликни ривожлантиримоқчи. Ҳозирги кунда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган “Беш ташаббус олимпиадаси” ўсмирлар орасида жуда машхур. Қўплаб ёшлар унда иштирок этишни истайди. Бироқ ҳамма йигит-қизларнинг истаги амалга ошиши қийин. Негаки, уларнинг олимпиадага қатнашишга иқтидори бор, лекин биринчи ўриндаги мақсади — олий таълимга ўқишга кириш. Шу сабаб қобилиятини намоён этишдан кўра, олийгоҳга кириш учун тайёргарлик қиришни маъқул билади. Вазиятдан келиб чиқиб, ҳар икки мақсадни амалга оширишлари учун Республика босқичида ғолиб бўлганларни олийгоҳга имтиҳонсиз қабул қилиш тарафдориман. Агар олийгоҳга кириш масаласида ғолибларга имтиёз яратилса, ёшлар орасида “Беш ташаббус олимпиадаси” янада оммалашарди.

ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОХ

АЛОҚАЛАРНИ ЯХШИЛАШГА ЭМАС, ОИЛАЛАР ТАНАЗЗУЛИГА ОЛИБ КЕЛЯПТИ

Қариндошлар ўртасидаги никоҳ мавзуси нозик, шу билан бирга, ўта долзарб масаладир. Бойси яқин қариндошларнинг никоҳи етти авлоддан кейин ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.



Шахноза ХАЛИЛОВА. “Mahalla”

Бундай никоҳдан кўп ҳолларда ногиронлиги бўлган болалар дунёга келаётгани айти ҳақиқат. Статистик маълумотларга кўра, қариндош бўлмаган оилаларда туғилаётган ҳар мингга гўдақдан иккитаси ногирон бўлиб дунёга келса, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган болалар мажруҳлиги икки-уч баробар кўп...

қиз ва йигитни бегонага бериб қўймаслик истагининг кучлиги асосий сабаблар сифатида юзага чиқади. Шунингдек, қариндошлик никоҳининг сабабчилари ва ташаббускорлари кўп ҳолларда бобо-бувилар ва ота-оналар ҳисобланади. **Исмини ошкор этишни хоҳламаган маҳалладошимиз шундай дейди:** “Бизнинг оиламиз барпо бўлишини онам истади. Ёиллигимдан холамнинг ўғлига турмушга чиқишини уқтириб

нафар эгизакни дунёга келтирдим. Бироқ болаларимдан бири ногирон, 5 ёшли бола ҳануз юрмайди, танасини тик тутолмайди. Иккинчиси, нимжон, тез-тез ҳушидан кетиб қолади. Онам мақтаган холам эса: “Ногирон бола дунёга келтирдинг”, деб ҳар кўни жанжал қилавериши ортидан турмуш ўртоғим билан ажрашдик. Ҳар кўни фарзандларимга қараганимда бир улиб, тириламан. Шу тақдирга мен сизларни дучор қилдим, деб ўзимни айбламан...”

Афсуски, бундай аянчли тақдирлар сони ошса-ошяптики, асло камайгани йўқ. Қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш ҳолатлари ва унинг сабабларини ўрганиш мақсадида мамлакатимизнинг 200 та туманида 6 974 нафар маҳалла раислари иштирокида ўтказилган ижтимоий сўровномада қариндошлар ўртасида тузилган никоҳдаги оилаларнинг ҳаёти қандай кечаётгани таҳлил қилинди. Респондентларнинг 25,2 фоизи бундай оилаларда етарли даражада зиддият ва низолар учраб турганини, 24,9 фоизи ногирон фарзандлар борлигини, лекин тақдирга тан бериб яшаётганини, 8,9 фоизи қариндошлик асосида қурилган оилаларда вазият оғир, муаммолар кўп, қуда-андачиликдаги доимий келиш-мовчиликлар бўлаётганини билдиришган. Ана шу биргина сўровноманинг ўзиёқ масала нақадар жиддий эканини очиб беради. **Қизик, қанчадан-қанча тушунтиришларга қарамай, ёшларнинг оиласи, яқинлари**

бу никоҳнинг якуни таназзул билан тугаши мумкинлигини кўра-била туриб шунга интилса? Катталар ёшлар бахти остида яширинган яшиғина мол-мулкка эга бўлиш, қари-ганда ёлғиз қолишдан қўрқиб, опа-сингил, ака-ука қариндошлик алоқаларини узоқ вақт сақлаб қолиш каби манфаатларини амалга ошириш орқали икки ёшнинг тақдири заволга юз тутишига сабабчи бўлаётганини қачон англаб етади? Бундай ҳолатда уларнинг туғилажак фарзандлари тақдирга ким жавобгар бўлади? Афсуски, бошга иш тушганда, ҳатто энг яқин инсонларнинг ҳам сендан қўлини тортади.

Шундай экан, қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ натижасида ногирон фарзандларнинг туғилиши, уларда ирсий касалликларнинг юзага келиши каби салбий оқибатларнинг кўпайиши бундай никоҳлардан йироқ бўлиш учун етарлича асос бўла олади. Шу билан бирга, оилалардаги оғир вазиятлар, муаммолар, оилавий низо ва келишмовчиликлар туфайли қариндош-уруғлар ўртасига совуқлик тушиши каби қўплаб ижтимоий оқибатлар ҳам бундай никоҳлардан воз кечиш зарурлигини кўрсатади. **Оила кичик Ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, Ватан тинч бўлади.** Шунинг учун Конституциянинг 76-моддасида: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида” экани белгилаб қўйилган. Демак, ҳар биримиз соғлом авлодни вояга етказишга, жамиятнинг пойдевори бўлган фарзандларимиз келажагига бирдек масъулмиз.



“Хўш, нега қариндошлар ўртасидаги никоҳ барҳам топмайпти?”, деган савол қўйилса, жавобини таҳлиллар намоён қилади: бундай никоҳ қариндошлик ришталарини сақлаб қолиш, оиланинг мол-мулкни бегонага қолдирмаслик, кексайганда тинч ва хотиржам ҳаётни ўйлаш, қариндошлар орасидаги яхши

келган. “Бегонанинг уйига кетганингдан кўра, кўз олдимда бўласан, бундан ташқари, синглимнинг феъл-атвори яхши, беозор, жияним ҳам мўмин-қобил йигит, сенга зиён етказмайди”, дерди. Худди шундай сўзларни холам ҳам турмуш ўртоғимнинг қулоғига қўйган. Мана, энди анча йиллик фарзандсизликдан сўнг икки

ФИКР

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МЎЎЖАЗ МАНЗИЛЛАР МАҲАЛЛАЛАР КЎРКИ БЎЛАДИ

Замонавий шаҳарсозлик андозалари, зарур инфратузилма, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари, барча ижтимоий соҳа объектларини ўзида жамлаган мўъжаз манзиллар, шаҳарча кўринишини олган “Янги Ўзбекистон” массивлари бугун Сурхондарё вилоятининг бешта худуди: Ангор, Бойсун, Жарқўрғон, Саросиёб ва Термиз туманларида қад ростлаяпти.

Уларнинг энг йириги **Саросиёбнинг “Лутфкори” маҳалласида** 31 гектардан ортиқ майдонда бунёд этилмоқда. Бу ерда 2026 йилгача 5, 7, 9 қаватли жами 2 322 та хонадонга мўлжалланган 78 та кўп қаватли уй қурилади. Бугунги кунда уларнинг 16 таси фойдаланишга топширилиш арафасида. **Жарқўрғон туманидаги “Кораянтоқ” маҳалласида** 25 гектар майдонда қад ростлаётган шундай массивда 2026 йилгача 1 800 та хонадонли 82 та кўп қаватли уй қурилади. Бу массивда ҳозирги кунгача 47 та, жумладан, ўтган йилнинг ўзига 532 та хонадонли 27 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. 10 тасида қурилиш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, 300 ўринли мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди, 50 қатновли оилавий поликлиника ва “Кораянтоқ” маҳалласи маъмурий биноси қуриб битказилди. Ҳозирда 100 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш марказлари барпо этилмоқда.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари жарқўрғонликларнинг қувончига сабаб бўляпти. Негаки, кечагина уй-жой қайғусида ўйлашиб юрган юртдошларимиз бугун шинамгина уйда хотиржам яшамокда. **Ангор туманидаги “Шарқул” маҳалласи** — қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авж олган яна бир манзил. “Янги Ўзбекистон” массиви учун 11,2 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, жами 43 та 1 005 та хонадонли уй қурилиши режа қилинган. Ўтган вақт мобайнида бу ерда 27 та янги тураржой ҳамда 120 ўринли болалар богчаси фойдаланишга топширилди. Бу уйларида ҳозирги кунда нафақат туман аҳолиси, балки қўшни туманлардан ҳам аҳоли қўчиб келиб яшамокда. Массивларда уй-жойларнинг сифат ва таннархи ҳалқимиз имкониятига мос экани янада эътиборли. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш, одамларни рози қилиш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ТЎҒАРАК ЎТМАСАМ, ИШДАН КЕТАМАНМИ?”

Нодир ҚОДИРОВ. Уйчи тумани:

— Мен жисмоний тарбия фани ўқитувчисиман. 12 соат дарсим бор. Мактаб директори “дарсдан сўнг ҳафтасига 3 ёки 4 кун болаларга тўғарак ўтасан, агар қўшимча дарс ўтмасанг, ишдан кетасан”, деяпти. Шу тўғрими?

Шоҳрухбек АҲМАДЖОНОВ, Уйчи тумани Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси:

— Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2024 йил 16 октябрдаги 334-сонли буйруғи билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат) ходимларининг лавозим йўриқномаларида ўқитувчининг лавозим мажбуриятлари белгиланган. Унга кўра, ўқувчиларнинг қобилият ва истеъдодларини ривожлантиришни назарда тутган ҳолда, фанларни ўзлаштиришда қийналаётган ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш мақсадида педагоглар ўз фани бўйича тўғарак машғулотларини ташкил этиши ушбу мажбуриятлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, сиздаги вазиятда директорнинг гаплари ҳуқуқий асосга эга. Чунки тўғарак ўтиш, бу — ўқитувчининг лавозим мажбуриятларида белгиланган.





Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида 2027 йилда ишга туширилиши кутилаётган янги темирйўл қурилади.



БОТИР ТУРСУНОВ
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби ўринбосари бўлди.



2025 йилда жисмоний шахслар учун ижара тўловининг янги МИНИМАЛ СТАВКАЛАРИ белгиланди.

Худуд катта, барчасига бирдек улгуриб бўлмайди

“Толаарик” маҳалласи ҳудуди катта – Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон ва Олмалик туманлари билан чегарадош. Бошидан охирига қадар 40 километрга чўзилган.

Миразиз МАМАТОВ,
Пискент туманидаги
“Толаарик” маҳалласи
солиқ инспектори.

Шу боис солиқ ходимларининг маҳалла еттилиги таркибига киритилиши фуқароларга ҳам, бизга ҳам самарали бўляпти.

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда бу соҳада олиб борилаётган ислохотларни тушунтиряпмиз. Норасмий меҳнат фаолиятини

юритаётганлар расмий рўйхатдан ўтказилиб, қонуний ишлаши таъминланмоқда. Бу борада тадбиркорлар билан мулоқотда бўлиб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларидан хабардор этияпмиз.

Бу ерда, асосан, балиқчилик кенг ривожланмоқда. Ҳозир 3 гектардан 5 гектаргача майдондаги қўлларда балиқ етиштираётган тўртта хўжалик бор. Шунингдек, йиғин аҳолиси узумчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Утган бир йил давомида “еттилик”нинг иқтисодий таъничи бўлиб, ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумла-



228,6 млн. сўм маҳалла бюджетига қолди.



рини янада кўпайтириш йўллари изладик. Озми-кўпми, натижаларга эришдик.

Жумладан, хатлов жараёнларида 429 та объект аниқланиб, қўшимча 190,6 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 2 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 14 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 16 та корхонада норасмий ишлатган 15 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Натижада 219,7 млн. сўм қўшимча манба аниқланди. Умумий ҳисобда 2024 йил давомида давлат бюджетига 2 млрд. 300 млн. сўмдан ортиқ солиқ тушумларини ундирдик. Шундан 2 млрд. 286,5 млн. сўм маблағ жисмоний шахсларнинг тураржой объектла-

ри ҳисобига тўғри келди. Шунинг 10 фоизи, яъни 228,6 млн. сўм миқдори маҳалла бюджетига қолди.

Бугунги кунда маҳаллада 3 250 нафар мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор. 53 та юридик шахс ва 57 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. 282 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад топяпти. Шунингдек, 34 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди.

Жорий йил тадбиркорлик йўналишларини кенгайтириб, маҳалла бюджетини ошириш бўйича бир қатор режалар бор. Юқорида айтганимдек, ҳудуд катта. Шу боис яна битта солиқ инспектори штати ажратилиши зарур. Чунки белгиланган вазифаларни бажариш учун жисмоний жиҳатдан, вақт нуқтаси назаридан улгуриб бўлмаяпти.

БУНЁДКОРЛИК

“Янги Ўзбекистон” МАССИВИ: ЯНГИ ИМКОНияТЛАР МАСКАНИ



Хоразм вилоятида фуқароларни уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида “Янги Ўзбекистон” массивларида янги уйлар қурилиши давом этмоқда. Жумладан, Қўшқўпир туманида 2024 йилда 10 та кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Яқинда уларнинг навбатдагиси, яъни 5 қаватли, 80 та хонадонга мўлжалланган 4 та уйнинг қалитлари ўз эгаларига тантанали тарзда тақдим этилди. Шу тариқа туманининг “Ёвғир” маҳалласига қарашли 32,8 гектар ҳудудда кичик шаҳарча, кўркам маҳалла бунёд этилди. Бугун бу ерда яратилган шароит ва имкониятдан ҳар бир хонадон эгаси мамнун. Чунки 2024 йилнинг ўзида мазкур массивда уй-жойга эҳтиёжи бор 316 та оила ўз ошёнига эга бўлди.


Улардан бири – Инобат Қўчқорова оиласи. Уйсизлик дардини бошидан ўтказган аёл мазкур массивда ўз хонадонига эга бўлди.

Янги имкониятларга эга “Янги Ўзбекистон” массивларида юртдошларимизнинг тинч ва осойишта, муаммолардан холи умргузаронлик қилишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Латофат ЮСУПОВА,
журналист.

Ҳокимнинг қарори ижро топмаса, айбдор ким бўлади?

Касбимиз тақозоси сабаб фуқаролар бизга турли мурожаат, шикоят ва муаммолар масалаларига ечим сўрашади. Баъзилар расмий хат орқали келса, баъзилар оғзаки мурожаат саналади. Улар орасида ўзоқ ва яқинларимиздан маслаҳат сўраганларни ҳам бор.



Рустам ЮСУПОВ,
“Mahalla”

Яқинда шундай мурожаатлардан бири – Нишон туманидаги “Кўксой” маҳалласида яшовчи Нурсоат Рўзиевдан бўлди. Унинг қисқа мазмундаги мурожаат-маслаҳати шундай:

“Менинг номимга 2017 йил жами 23,10 гектар ер майдонидан иборат “Ro'ziyev Nursaat” фермер хўжалиги ташкил этилган. Икки йил фаолият юритганимиздан сўнг ҳокимнинг оғзаки топшириғи билан фермер хўжалиги ер майдонлари бошқа бир шахсларга олиб берилган. Шу вақтдан, яъни 2019 йилдан буён ушбу фермер хўжалиги фаолият юритмаганипти. “Ro'ziyev Nursaat” фермер хўжалиги тасарруфидаги жами 23,10 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захира ер фондида қайтариш ва ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида

қилишим керак?” Бу масалада доимий ҳамкоримиз Солиқ кўмитасидан амалий маслаҳат сўрадик. Бизга қисқа вақтда Нишон тумани солиқ инспекцияси йўллаган жавобни юборишди. Унда шундай дейилади:

“Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган 3-бобида;


– Рўйхатдан ўтказувчи органга – ўзи келган ҳолда ёки Интернет ахборот тармоғи орқали ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини. Бунда тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилганда, тугатувчи ўзининг тугатувчи этиб белгиланганлигини тизим воситасида кели-

шади. Шундан сўнг Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби схемаси асосида амалга оширилади. Схемادا 16 босқич кўрсатишган. 1-босқич тугатувчи тайинлангандан кейин тижорат ташкилотининг бошқарув органлари ёки жисмоний шахс томонидан унга тижорат ташкилотини фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек, тижорат ташкилотининг муҳри (агар мавжуд бўлса), штамплари ва бошқа мол-мулкни топшириш...”

Шу тариқа, 6-12-13-14-15-16-босқичда келтирилган маълумотларни санаб ўтиб, “Ro'ziyev Nursaat” фермер хўжалиги раҳбари Низом талабларидан келиб чиқиб, мазкур фермер хўжалиги тасарруфидаги жами 23,10 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захира ер фондида қайтариш ва ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида 2019 йил 18 январда х-434/01-сонли қарори чиқарилгандан сўнг, фермер хўжалиги фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органга (туман давлат хизматлари марказига) ариза тақдим этмагани қайд этилган.

Шунингдек, мазкур Низом талаблари бажарил-

магани сабабли бугунги кун ҳолатида тугатилмаган дейилган. Шу сабаб фермер хўжалиги тасарруфидаги ер майдонини туман ҳокимлиги захира ер фондида қайтариш ва ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида 2019 йил 18 январда х-434/01-сонли қарори чиқарилгандан сўнг фермер хўжалигини фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органга (туман давлат хизматлари марказига) ариза тақдим этилиши билдирилган.



сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддаси 2-бандида Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаслик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши эслатиб ўтилган.

Фермер хўжалиги раҳбари фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органга (туман давлат хиз-

матлари марказига) ариза тақдим этмагандир, лекин нега туман ҳокимининг “Ro'ziyev Nursaat” фермер хўжалиги тасарруфидаги жами 23,10 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захира ер фондида қайтариш ва ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 18 январдаги х-434/01-сон қарори ижроси масъуллар томонидан ўз вақтида назоратга олинмаган? Қолаверса, туман ҳокими мазкур қарорнинг бажарилишини ўз назоратига олишини қайд этган. Энг муҳими, 2024 йилда Президент ташаббуси билан “маҳаллабай”, “корхонабай” ишлаш тизimini йўлга қўйилди. Агар юқорида қайд этилганидек, фермер хўжалиги тугатилмаган бўлса, нега “Кўксой” маҳалласига бириктирилган солиқ инспектори бирор марта келиб, ушбу фермер хўжалиги раҳбарига солиқ қарздорлиги мавжуд эканини айтмаган?!

Назаримизда, маҳалаларга бириктирилган солиқ инспекторлари солиқ тўловчилар билан янада кўпроқ ишлаши лозим. Бу борада Нишон тумани солиқ инспекцияси раҳбарияти ходимларининг фаолияти қанчалик қонуний амалга оширилётганини бир таҳлилдан ўтказса, фойдадан холи бўлмайди. “Маҳаллабай”, “корхонабай” ишлаш тизимининг йўлга қўйилишдан асосий мақсад ҳам ҳар бир солиқ тўловчи ўзини қийнаётган муаммоларга ечимни турли ташиқлотлардан ёки танишларидан эмас, маҳалласидаги солиқ инспекторидан олиши керак эмасмиди?!

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ҚҚСнинг бир қисми қайтариладими?

Нуриддин УМРЗОҚОВ,
Сурхондарё вилояти:

– Яқинда умумий оёқатланиш шохобчасини ташкил этмоқчиман. Эшитишимча, умумий оёқатланиш хизматлари билан шуғулланувчи тадбиркорларга ҚҚС қайтарилиб, фойда солиғи икки баробар камайтирилар экан. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Дилдора ҲОШИМОВА,
Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати раҳбари:

– 2025 йил 1 январдан бошлаб, умумий оёқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига ҚҚСнинг бир қисми қайтариб берилди. Бунинг маълум шартлари бор. Аввало, ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ бюджетга тўлиқ тўланиши

керак. Асосий даромад (90 фоиз ва ундан юқори) умумий оёқатланиш хизматларидан бўлиши зарур. Бу маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация кодлари (МХИК) бўйича электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ), онлайн назорат-касса техникаси ва маркетплейс чеклари асосида автоматик текширилади.

Нақд пулсиз тўловлар қисмида эса 60 фоиз ва ундан юқори

бўлганда ҚҚСнинг 40 фоизи, 60 фоиздан кам бўлганда 20 фоизи қайтарилади.

Кешбэки олиш учун солиқ ҳисоботини тақдим этгандан кейин 3 ойдан кечиктирмасдан мурожаат юборилади. Бунинг учун 2025 йил январь ойи учун ҳисоботни 20 февралдан кечиктирмай топшириш керак. Яъни, январь ойи учун қайтариш тўғрисидаги аризани 20 февралдан бериш мумкин. Агар

солиқ ҳисоботини аниқлаштирган ҳолда тўланган солиқ суммаси ўзгарса, қайтарилган солиқнинг бир қисми камайтирилган суммага мос равишда бюджетга тўланиши керак.

Шунингдек, 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январгача умумий оёқатланиш корхоналари учун фойда солиғи ставкаси 2 баробарга камайтирилди. Аввал бу ставка 15 фоиз эди, энди 7,5 фоиз ҳисобланади.



Ўзбекистонда
рўйхатдан ўтмаган
электрон савдо
платформалари
фаолияти
тақиқланади.



Ҳукумат қарори билан
газ ҳолатидаги ёқилғида
ишловчи аппаратларнинг
хавфсизлиги бўйича
ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ
тасдиқланди.



Ҳукумат қарори билан
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
тизимини
рақамлаштириш бўйича
чора-тадбирлар режаси
белгиланди.

“Қулф-калити” бўлмаса, жинойят жиловланмас

Сўнгги йилларда энг қўйи бўғидаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар қайси маҳаллани жинойятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ислом ЧИНПЎЛАТОВ,
Оққўрғон туманидаги
“Ҳонобод” маҳалласи
профилактика
инспектори.

Бу борада янгича ишлаш тизими йўлга қўйилиб, профилактика инспекторлари учун зарур шарт-шароитлар яратилапти. Натижада маҳаллаларда жинойatchилик жиловланяпти. Буни “Ҳонобод” маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Икки йил олдин бу ерда иш бошлаганимда тан жароҳати ва ўғрилиқ билан боғлиқ жинойатлар ортгани сабаб, йиғин “қизил” тоифада эди. Шу боис ҳар бир оилага кириб, ким нима билан машғул – ҳаммасини ўргандим. Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёқи ундан жабр кўриш эҳтимоли юқо-



ри бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка ча-

линган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишладик. Ўғриликларнинг олдини олиш бўйича 10 та асосий кўчага видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Шунингдек, фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб,

уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жинойатнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб бордик. Шу тариқа дастлаб “қизил” тоифадан “сарик”қа, ўтган йили “яшил” тоифага ўтдик. Бугун жинойatchини

жазолаш эмас, жинойatchиликнинг олдини олиш – бош мақсадимизга айланган. Шу сабаб, йиғин ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаб, маҳалла еттилиги” ва жамоatchилик тузилмалари билан биргаликда уларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз.

“Еттилик” ҳамкорлигида мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ишсиз аҳолини ишли қилишга, ёшларни ўзи қизиққан бирор касб-хунар, спорт ёқи санъат билан шугулланишини таъминлаяпмиз. Хусусан, ўтган йили хорижга ишга кетган 80 нафар фуқаро қайтарилиб, бандлиги таъминланди. Спортсевар ёшлар учун қўл жанги

ва юнон-рум кураши спорт тўғараклари ташкил этилди. Мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида тизимли ишланяпти.

Маҳалладаги 762 та хонадонда тўрт ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Эндиликда ҳар бир хонадон “маҳалла еттилиги” аъзоларига бириктирилади. Албатта, ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган оилалар билан шахсан ўзим ишлайман. Йиғиндаги 22 та кўчаннинг ҳар бирига видеокузатув қурилмаларини ўрнатиб, маҳалланинг ўзига хос “қулф-калити”ни яратамиз.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЖўРАОБОДЛИКЛАР ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРГА ЭГА БЎЛДИ



Бўқа туманининг олис “Жўраобод” маҳалласида бир қатор ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали байрам тақдирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, депутатлар, ҳамкор вазирлик ва идоралар вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳудуд фаоллари, фахрийлар ва ёшлар, маҳалла аҳолиси қатнашди.

Тантанали маросимда “Жўраобод” маҳалла фуқаролар йиғини биноси, тиббиёт пункти, мини футбол стадиони очилиб, рамзий лента кесилди. Иштирокчилар биналарда яратилган шароитлар билан танишди. Қисқа муддатда бу маҳалланинг қиёфаси ўзгарди. Хусусан, яроксиз ҳолга келиб қолган 176 та электр симёғоч янги темир-бетон устунларга алмаштирилди, мавжуд 4 та трансформатор мукамал таъмирланди. Шу билан бирга, 5,4 километр узунликдаги юқори қучланишли электр тармоқлари янгиланиб, хонадонларнинг кириш қисмига кабеллар тортиш бўйича ишлар якунланди. Шунингдек, 1,6 километр ички кўчалар шағаллаштирилди, 4,4 километр йўл асфальтланди. Ички кўчаларга қуёш нуридан қувват оладиган тунги ёритиш чироклари ўрнатилди.

Бундан ташқари, 5 километр ичимлик сув тармоғи ўтказилиб, мавжуд 3 та сув иншооти жорий таъмирланди. Кўчаларнинг бошига чиқинди контейнерлари ўрнатилди ва ҳафтада камида бир маротаба олиб чиқиб кетиш тизими жорий қилинди. Аҳоли томорқаларига борувчи оқова сув йўллари таъмирланди. Маҳаллада “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини татбиқ этиш мақсадида чинор, павлония, қайрағоч ҳамда терак каби кўчатлар экилди.

Маҳалла ёшларининг спорт билан шугулланиши учун замонавий кураш спорт турига ихтисослашган клуб тўлиқ таъмирланди. Янги воркаут майдончаси қурилди. Ҳудуддаги ишсиз хотин-қизлар тикувчилик йўналишида ўқитилди. Шунингдек, “Сайхунобод тажрибаси” асосида 9 нафар ишсиз фуқарога микролойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш чоралари кўриломоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ,
журналист.

Ҳар бешинчи ёш авлод сигаретага қарам!!!

Таҳлилларга кўра, мамлакатда электрон сигареталарни чекувчи ўсмирлар ва ёшлар салмоғи катта ёшдагиларга нисбатан уч баробар кўпи.

Энг ачинарлиси, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари орасида электрон сигареталарга қизиқиш тез суръатларда ортмоқда. Хусусан, 26,6 минг нафар ўғил болалар ва 8,6 минг нафар қиз болалар чекишга мойил.

Сўнгги йилларда тамаки ва никотин маҳсулотларининг “замонавий” ва “инновацион” турлари, хусусан, никотинни етказиб бериш мосламалари, электрон сигареталар ва улар учун суюқликлар ҳамда қиздирилайдиган тамаки маҳсулотларининг мамлакатимизга қонунга ҳилоф равишда олиб кириш ҳолатлари ва айланмаси ортиб бормоқда. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотларни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида истеъмол қилиш ҳолатлари кўпайди. Хусусан, 2021-2023 йилларда мамлакатга қиймати 28,5 млн. долларлик 5,4 млн. дона электрон сигарета импорт қилинган бўлиб, бу кўрсаткич аввалги йилларга (2018-2020 йилларда 349 минг долларлик 182 минг дона электрон сигареталар импорт қилинган) нисбатан кескин равишда – 80 бараварга ошган. Ушбу даврда ҳуқуқ-тарбиёт органлари 11,8

млрд. сўмлик 105,3 минг дона бундай маҳсулотлар контрабандасининг олдини олган.

Кўриниб турибдики, масала жуда хавотирли. Қайд этилишича, зарур чоралар кўрилмаса, келгусида ёш авлоднинг ҳар бешинчиси (20 фоиз) никотинга қарамликдан азият чекади.

Яқинда Олий Мажлис фракцияси йиғилишида баъзи турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг, шу жумладан, электрон сигареталарнинг

муомаласини тақиқлаш ҳамда жавобгарлик белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан республика ҳудудида айрим турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг, шу жумладан, электрон сигареталарни

ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ўтказиш мақсадида уларни сақлаш, ташиш ёқи ўтказиш тақиқланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш ёқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга нисбатан таъсирчан чора сифатида маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланишини назарда тутилади.

Хабарингиз бўлса, 2024 йил апрель ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишлаб чиққан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, электрон сигареталар ҳамда тамакини қиздириш тизимларини, шу жумладан айрим турдаги тамаки маҳсулотларининг муомаласини тақиқлаш ва жавобгарлик белгилаш бўйича ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ўтган йили 3 апрелдан 18 апрелга қадар regulation.gov.uz порталига муҳокамага қўйилган эди. Қонун лойиҳасига кўра, ушбу маҳсулотлар муомаласини тақиқлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланиши кўрса-

тилган эди. Жумладан, Жинойatch кодексини 186⁻моддаси билан тўлдирилиб, унда муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шунингдек, электрон сигареталар ва чилимларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёқи ўтказиш, реализация қилиш, олиб кириш БҲМнинг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёқи уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёқи уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёқи беш йилдан 12 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши қайд этилган.

Маълум қилинишича, Президент Администрацияси топириғи билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан мамлакатда электрон сигаретлар муомаласини чеклашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу ҳақда Олий



тилган эди. Жумладан, Жинойatch кодексини 186⁻моддаси билан тўлдирилиб, унда муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шунингдек, электрон сигареталар ва чилимларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёқи ўтказиш, реализация қилиш, олиб кириш БҲМнинг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёқи уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёқи уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёқи беш йилдан 12 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши қайд этилган.

Маълум қилинишича, Президент Администрацияси топириғи билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан мамлакатда электрон сигаретлар муомаласини чеклашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу ҳақда Олий

Мажлис Қонунчилик палатасининг 7 январь кунги мажлисида Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худоев маълум қилди.

– “Одамлар оддий сигаретни ҳам чақиб юрибди-ку, нега уларни эмас, электрон сигареталарни?”, деган савол туғилиши мумкин. Оддий тамакини кўпроқ катта ёшдагилар чекса, ишлаб чиқарувчилар ўзига жалб қилувчи ҳар хил анимацион эффектларга эга ароматизаторли (электрон сигареталарни) Ўзбекистон бозорига киритганидан кейин, ёшлар, айниқса, қизлар ўртасида улардан фойдаланиш сони ошди, – деди Асилбек Худоев.

Ўйлаймизки, яқин кунларда Ўзбекистонда электрон сигареталар савдоси ва истеъмолига чек қўйилади. Бундай тақиқловчи қонунлар қўшни – Қозғистон ва Қирғизистон Республикаларида аллақачон амалда татбиқ этилмоқда.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.



ЭНЕРГИЯДАН
НОҚОНУНИЙ
ФОЙДАЛАНИЛСА...

Баҳром ТОЖИЕВ.
Андижон шаҳар:

– Газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

Сардорбек ЭГМАНАЗАРОВ,
жинойatch ишлари бўйича Андижон
шаҳар суди судьяси:

– Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик ва газ тармоқларига ўзбошимчилик билан улаиш, шунингдек, электр тармоқларига бошқача тарзда ноқонуний улаиш, бундан ташқари, электр ва газ ҳисоблагич асбобларига ташқаридан

аралашиш каби ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима тайинланади.

Мазкур ҳуқуқбузарликни содир этган шахс бир йил давомида яна такроран содир этса, жиноий жавобгарликка

тортилади. Жинойatch кодексининг 185⁻моддасида фуқаролар электр, иссиқлик, газ ёқи водопровод тармоқларига ўзбошимчилик билан улаиш оқибатида корхона манфаатларига анча миқдорда, яъни 37 млн. 500 минг сўмдан ортиқ миқдорда зарар етказадиган бўлса, жиноий жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, умумий фойдаланишдаги электр,

иссиқлик энергияси, табиий газ тармоғига ўзбошимчилик билан тижорат мақсада уланган бўлса, 169-моддаси иккинчи қисми “д” банди билан жавобгарликка тортилади. Ушбу жинойatch учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдоридан жарима ёқи 3 йилдан 5 йилгача озодлиқни чеклаш ёқи озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

МЕНДА САВОЛ БОР?



Магистратурага қўшимча қабул асосида ўқишга кирганларга ТАЪЛИМ КРЕДИТИ берилмайди.



2025 йилда 224 ТРИЛЛИОН СЎМ солиқ тушумларини таъминлаш вазифаси белгиланди.



Қорақалпоғистон Республикасида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ.

ТАРАҚҚИЁТ

Мақсад улкан, лойиҳалар истиқболли

Ўтган йил республикамизнинг барча ҳудудларида йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган кўлаб лойиҳалар ишга туширилди. Турли соҳаларда иш бошлаган мажмуалар ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ўчун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Кувонарлиси, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасида “яшил” энергияни ривожлантириш ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланди. Мамлакатимиз қайта тикланувчи энергиянинг катта захираларига эга бўлиб, “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул қилинган. Ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилмоқда.

2024 йилнинг ўзида тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва 300 мегаваттли энергия сақлаш тизимлари уланди. 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш, шунингдек, 4,2 гигаваттлик энергия сақлаш тизимларини яратиш режалаштирилган. Натижада ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади, энергетика инфратузилмаси ривожланади, технологик ва ишбилармонлик алоқалари кенгайди. Энг муҳими, аҳоли турмуш даражаси ошади.

“Қўнғирот – Бейнеу” автомобиль йўлининг янгидан қурилган 240 километр қисми фойдаланишга топширилди. Бу йўл мамлакатимизни Европа давлатлари билан боғлайдиган стратегик автомагистралдир. Шунингдек, Амударё устида Қорақалпоғистон билан Хоразми боғлайдиган янги кўприк очилди. Бундай ишлар одамлар ҳаракатига қўлайлик яратиб, иқтисодий фаоллик ошишига, тадбиркорлик ривожланишига ҳам қўшимча туртки бўляпти.

Иқтисодий ислохотлар барча тармоқларда ўз натижасини кўрсатмоқда. Сўнгги олти йилда Олмалик комбинатида саноат маҳсулоти 1,8 баравар, маҳаллийлаштириш 7,7 баравар, инвестиция 13 баравар ошган. “Рақамли ОКМК – 2030” стратегияси доирасида 70 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган. Ўтган йилда янги мажмуалар қурилиб, мавжуд қувватлар оширилди. Комбинатнинг 75 йиллик тарихи давомида 2 та фабрика барпо этилган бўлса, энди бунга кўп кетмади. 2021 йилда “Ешлик-1” қони негизида 4-мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланди. Қиймати 5,3 миллиард долларлик бу лойиҳа орқали йилга 146 минг тонна катодли мис, 13 тонна олтин ва 73 тонна қумуш олиш қувватлари яратилади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 миллиард долларга етади. Фабрика ва унинг инфратузилмаларида 3 мингдан ортиқ киши ишлайди.




Тарихий янгиликлардан бири – Марказий Осиёда биринчи халқаро савдо маркази – “Airitom free zone” фаолиятини бошлади. Мазкур эркин савдо зонаси Сурхондарё вилояти Термиз туманида, Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган бўлиб, қиймати 70 млн. АҚШ долларни, умумий майдони 36 гектарни ташкил этади. Худудда “Hilton Garden Inn” меҳмонхонаси, “Akfa Medline” замонавий тиббиёт клиникаси, “Central Asia University” бизнес мактаби, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш маркази, ресторанлар, хостел ҳамда йилга 900 минг тонна юк айланмаси қувватига эга логистика маркази ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари жамланган.

Халқаро эксперт ва мутахассислар “Airitom free zone” эркин савдо зонасига йилга 1,5 миллион ташриф буюрувчилар келиши ҳамда йиллик савдо айланмаси қарийб 1 млрд. долларга етказиш салоҳияти мавжудлигини қайд этишган. Шунингдек, зонада барча давлат фуқароларининг 15 кун давомида Ўзбекистонга кириш визасини расмийлаштирмасдан кириш ва чиқиш имконияти, савдо ва хизматларни сотишда мултивалюта тизими ва марказ худудига келувчи товарларни “божхона тўловларисиз” жойлаштириш режими жорий этилган.

Мазкур халқаро эркин савдо зонаси нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро товар алмашишда муҳим зонага айланади. У “Қарақачи – Термиз – Тошкент – Қозоғистон – Россия” янги транспорт коридорининг муҳим участкаси бўлиб, Хинд океанига чиқиш имконини беради.

Бундай йирик лойиҳалар ҳисобига миллионлаб ўзбекistonликлар доимий иш ўрнига эга бўлиб, оилавий фаровонлиги юксалмоқда.



100 мингта оила уй билан таъминланди



Аҳолининг уй-жой билан таъминлашда қатор қўлайликлар яратилди. Хусусан, ипотека кредити ажратиш тизимини йўлга қўйилди, камбағал оилалар вақилларига, шунингдек, аҳолининг айрим катламларига тавсиянома асосида субсидия ажратилишти, бу жараёнда ишон омили бартараф этилмоқда.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.
“Mahalla”

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ.

2021 йилдан ҳудудларда ана шундай ободлик ва фаровонлик манзилларини қуришга старт берилди. 2024 йилда Уй-жой дастури доирасида республика бўйича уй-жой қурилиш ҳажми 2 минг 146 та тураржойдан иборат 100 мингта хонадонга этиказилди. Бу жараёнда “Янги Ўзбекистон” массивлари сони 52 тага оширилди.

Натижада буёунги кунгача 68 минг 170 та хонадонли 1 минг 466 та уй фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, “Янги Ўзбекистон” массивларини йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш мақсадида республика бюджетидан 800 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бу орқали тадбиркорлик субъектлари қўраётган кўп қаватли уй-жойларнинг таннархини камайтиришга эришилди.

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ВА СУБСИДИЯЛАР.

2024 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидия ажратиш тартибига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг натижасида субсидияга келиб тушган аризаларни қўриб чиқиш ва баҳолаш тўлиқ автоматлаштирилди.

Субсидиялар ажратиш юзасидан аризалар 15 майдан 1 ноябрга қадар қабул қилиниши белгиланди. Бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар миқдори қатъий белгиланган 30 миллион сўмни ташкил этади.

Рақамларга тўхталсак, 2024 йил давомида ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун 20 минг нафар талабгорта ижобий хабарномалар тақдим этилди ва уларнинг 13 минг 425 нафарига бошланғич бадал учун 380 миллиард сўм субсидия маблағлари тўлаб берилди. Шунингдек, 2020-2024 йилларда ипотека кредитлари бўйича 62 минг 33 нафар фуқарога тақдим этилган субсидия хабарномаларига асосан, 1,3 триллион сўм маблағ тўланди.

Умуман олганда, аҳолини уй-жой билан таъминлашда қатор дастурлар ишга туширилдики, бу – неча йиллар давомида ижарама-ижара сарсон юрган, кичиккина уйда тўрт-бешта оила яшашга мажбур бўлган, уй олишга имконияти етмаганларга қўлайликлар яратяпти. Оилалар уйли бўляпти, обод ва фаровон манзиллар сони ортяпти.

ҚўЛАЙЛИК

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ПАСПОРТНИНГ ЭЛЕКТРОН ШАКЛИ РАСМАН ТАН ОЛИНАДИ

2025 йил 1 шолдан бошлаб, шахсни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларнинг электрон шакли расман тан олина бошланади. Бу Ҳукуматнинг “Аҳолининг ижтимоий қўлаб-қувватлашда “Ижтимоий карта” тизимини жорий этиш чора-тадбирларини тўғрисида”ги қароридан назарда тутилган.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг аниқлик киритишича, эндиликда “my.gov.uz”даги шахсни тасдиқловчи, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларнинг рақамли (электрон) шакллари расман тан олинади. Рўйхатга қуйидаги ҳужжатлар киритилган:

- Ўзбекистон фуқаросининг биометрик паспорти;
- Ўзбекистон фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси;
- ҳайдовчилик гувоҳномаси;
- туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- ниҳоятда этилганлиги ҳақида гувоҳнома;
- ниҳоятдан ажраланлик ҳақида гувоҳнома;
- транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома (техник паспорт, техник талон);
- пенсия (нафақа) гувоҳномаси;
- фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси (ID-картаси);
- ногиронлик тўғрисида маълумотнома;
- транспорт воситасининг мажбурий суғурта (фуқаролик жавобгарлиги) бўйича суғурта полиси;
- олий, ўрта махсус, касб-хуна ва профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжат;
- талабалик гувоҳномаси;
- якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома;
- турар жой объектларининг кадастр паспорти;
- жиҳмоний шахснинг шахсий автоматотранспорт воситасини бошқа шахсларга бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома.

ИСЛОҲОТ

“Қуёшли хонадон” дастури ишга тушди

Йуртимизда қуёш ва шамол энергияси салоҳияти электрга бўлган ҳозирги эҳтиёжнинг 10-12 баробар ортгани билан қоплашга етади. Лекин шундай улкан имконият анча йиллар давомида ишга солишмаган эди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Сўнгги йилларда бу соҳага катта эътибор қаратилиб, ҳуқуқий замин яратилди. “Яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурлар бошланди. Жумладан, 2024 йилда кичик ва микроГЭСлар қурилиши соҳасида жами 18 та лойиҳа ишга тушди. Бунинг натижасида бир йилда қўшимча 99,6 миллион кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Бундан ташқари, жами қуввати 1 850 МВт.га тенг бўлган қуёш ва шамол электр станциялари фаолияти йўлга қўйилди. Йил якуни билан умумий ишлаб чиқариш ҳажми 81,7 млрд. кВт. соат бўлиб, шундан қайта тикланувчи энергия

манбаларининг умумий ишлаб чиқариш кўрсаткичи 12,5 млрд. кВт. соатни ташкил этди.

“Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини ҳамда бино ва иншоотларни энергия истеъмолини энергия аудитидан ўтказиш тартибларини белгилаш тўғрисида”ги Базирлар Маҳкамасининг қарорига қўра, кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларнинг энергия самарадорлиги (энергия аудит)ни баҳолаш тизими жорий этилди.

2024 йилда 5,5 минг км. электр узатиш тармоқлари ва 1,5 мингдан ортиқ трансформатор пунктлари реконструкция ҳамда модернизация қилинди.



Электр энергиясининг ҳар бир кВтт-соатига 1 000 сўмдан субсидия ажратилди.

Бундан ташқари, “Қуёшли хонадон” дастури асосида республика ҳудудларида аҳоли хонадонларига ўрнатилган қуёш панелларида (умумий қуввати 50 кВт. гача) ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб, ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратилди.

Субсидия солиқ органлари томонидан ҳар ойда “Солиқ” мобилй иловаси орқали ҳисобот оийдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “яшил” энергетика – ҳам иқтисодиётимиз “драйвер”ларидан бирига, ҳам чинакам умуммиллий ҳаракатга айланмоқда.



“Australian Open-2025” турнирида ХУМОЮН СУЛТОНОВ саралаш босқичида Даниэль Элахи Галанни енгиб, иккинчи босқичга йўлланма олди.



АБДУҚОДИР ҲУСАНОВ “Ланс” клубида ўтган йилнинг энг яхши футболчисига айланди.



АБДУРАҲМОН АБДУЛЛАЕВ от спортининг конкур йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда совриндор бўлди.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!



ТАНГРИ БЕРГАН НЕЪМАТНИ ИСРОФ ҚИЛИШ КАТТА ГУНОҚ

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя масалаларни юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг нутқларини тинглаган кишининг қалби ларзага келди. Қўрьон ва ҳадисга асосланган қисқа, бироқ кенг қамровли биргина шу нутқ кишиларни жамият ҳаётига тирамроқ назар солишга ундади, десак хато бўлмайди.

Азимжон КАРИМОВ, Тошкент туманидаги “Эшонхўжа ота” жоме масжиди имом-хатиби.

Хар бир мўмин киши бу дунё ҳаётида кўпроқ савоб қозонишни истайди. Бунга силаи раҳм — ота-онага ва яқинларга меҳр-оқибат кўрсатиш орқали эришилса, одиллик билан иш юритиш, закотни, хайру эҳсонларни ўз эгаларига етказиш билан ҳам савобга эришиш мумкинлиги шарият ҳукмларида аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган.

Шукрки, жамиятимизда хайрли-савобли ишларга одамларнинг эътибори кучайган. Давлат даражасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Аслида, бунгача ҳам давлат эҳтиёжманд оилаларга, ногиронлиги бор ва муҳтож шахсларга кўмак бериб келаётган эди. Бироқ у турли

усуллар, турли ташкилотлар кўмагида амалга оширилди. Ана шу тарқоқ ҳолдаги инсонпарварлик ишлари ягона тизимга бирлаштирилди. Бу орқали мамлакатимиз бўйлаб барча эҳтиёжмандларнинг рўйхати шакллантирилди ва уларга йил давомида керакли кўмак берилиши таъминланди.

Аслида, Ислон динида муҳтожларга ёрдам бериш, жисмоний имконияти чекланган инсонларга меҳр-муруват кўрсатиш, мискин ва бечоралар ҳолидан хабар олиш энг савобли амаллардан ҳисобланади.

Эҳсон қилувчилар ҳақларига савоб-барокат келтириши, икки дунё саодатига эришиши ўзларининг инсоф-диёнатига боғлиқ. Хайр-эҳсоннинг ўз эгаларига тўғри етиб боришини таъминлаш эса омонатдир. Бунинг учун сизу бизда катта имкониятлар мавжуд. Муф-

тий ҳазрати эътироф этганидек, “Инсоф агентлиги”, яъни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали бу муворак хайрли ишларни амалга ошириш йўлида ҳамжиҳат бўлсак, ота-оналаримиз, яқинларимиз қаторида ижтимоий ҳаётдаги эҳтиёжмандларнинг кўнглини шодлантириб, дуоларини олсак, юртимиз янада равнақ топиб бораверади.

Ижтимоий ҳимоя бўйича давлатимиз раҳбарининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Муфтий ҳазратлари раҳбарлигида динимиз пешволари халқимизга мурожаат қилди. Унда, хусусан, ҳар бир марказий масжид бештадан эҳтиёжманд оилани оталиққа олиб, уларнинг фарзандларини ўқув курсларида ўқитиши, касб-хунарга ўргатиши ва доимий даромадга эга бўлишига кўмаклашиши таъкидланади. Хар бир туман ва шаҳар бош имом-хатиби ҳуду-

Имом-хатиблар тўй-маърака, маросимлардаги исрофгарчилик, Умра зиёратидан қайтгач ҳар хил хўжақўрсин маросимлари уюштиришдек иллатларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот ишларини амалга оширади.

дидаги камида битта мактабни ҳомийлар иштирокида таъмирлашга ёрдам кўрсатади.

“Вақф” хайрия жамоат фонди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар фарзандларининг 200 нафарини касбга ўргатади ва иш билан банд қилади.

Энг муҳими, имом-хатиблар тўй-маърака, маросимлардаги исрофгарчилик, Умра зиёратидан қайтгандан кейин ҳар хил хўжақўрсин маросимлари уюштиришдек иллатларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот ишларини амалга оширади. Аллоҳ таоло ато этган мол-дунёни исроф қилиш — катта гуноҳ экани одамларга ўқитилади. Зотан, топанларимизни савобли ишларга сарфлаб, бева-бечора, ночор, муҳтожларга ёрдам берсак, ана шунда улкан савобга эга бўламиз.

Шерали ҲИҚМАТОВ. Фарғона вилояти:

— Ота-она қиз фарзандини турмушга узатганидан кейин ундан молиявий ёрдам ёки ҳадылар қутуши жоизми? Қиз фарзанднинг ота олдидан бурчлари ва фарзларини айтиб берсанеиз...

ОТА-ОНА МУҲТОЖ БЎЛСА, ҚИЗДАН КЎМАК КЕРАКМИ?



Ҳикматуллоҳ ТОШТЕМИРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази бош мутахассиси:

— Қизини турмушга узатгач, агар ота-она камбағал ва муҳтож бўлиб қолса ҳамда шу ҳолатда қизнинг шахсий мулки бўлса (ота-онанинг бошқа ўғил фарзанди бўлмаса ёки ўғил фарзанди ҳам фақир бўлса), албатта, қиз ота-онасига моддий ёрдам бериб, таъминлаши керак. Акс ҳолда гуноҳкор бўлади. Агар ота-она муҳтож бўлмаса, қиздан ҳеч қандай моддий ёрдам кутмаслиги лозим.

Ҳаёда ихтиёрий нарсаси, лекин имкони бор ўғил-қизлар ота-оналарига ҳаёда улашиб туриши савобдир. Моддий ёрдамга муҳтож бўлмаган ота-онани узатилган қизлар эрининг рухсати билан, кўп қутирмаган ҳолда, бир ҳафта-икки ҳафтада кўргани бориб туриши керак. Албатта, бу эрининг уйи билан ота-онанинг уйи ораси яқин бўлган кишиларга оид гап. Ўзоқ бўлса, шароитга қараб, телефон орқали тез-тез ҳол сўраб, имкон топиши билан келиб, зиёрат қилиб туриши зарур.

Саломатлик

Совуқ кунда совуқликдан узоқ бўлинг!

Хаво ҳарорати пасайиши билан айрим инсонларда тез-тез акса уриш, лаблар қуриши, кўкариши, кўз ёшлиниши, тошмалар тошиши, қичиши каби ҳоллар кузатилади. Бу — совуқ оқибатида пайдо бўладиган аллергияга хос симптомлардир. Яъни тананинг паст ҳарорат таъсирига ҳаддан ташқари сезгирлиги белгиси. У кўпроқ аёллар ва болаларда кузатилади.



Илмира РОЗИКОВА, Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

Мазкур касаллик, аввало, иммунитет тизими заифлигини ифодалайди. Хасталик турли кўриниш ва шаклларда намоён бўлади: эшакеми, ринит, конъюнктивит, дерматит, астма... Хатто оғир ҳолатларда баъзи беморларда

Квинке шиши ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Улар орасида энг кенг тарқалгани эшакеми бўлиб, танада пуфакчалар пайдо бўлиши билан тавсифланади. Шифокор кўрсатмасига кўра, махсус синамалар топширилади. Қон таҳлили орқали беморда эозинофиллар ва иммуноглобулин Е микдори қисман ошиши тасдиқланса, тегишли даво муолажалари белгиланади. Шунга қарамай, бу турдаги аллергияга мойиллиги бор кишилар совуқдан ҳимояланишлари керак. Аввало, совуқ кунларда қалин кийининг! Қўлқоп, бош кийими, шарф ва иссиқ пайпоқлардан фойдаланинг! Изгири ҳароратда кўчага чиқшдан аввал шифокор тавсия этган ҳимоя кремлари ва махсус малҳамларни қўлланг! Совуқ ичимлик ва егуликлар ис-

теъмол қилманг! Совуқ сувда чўмилиманг! Иммунитетни мустаҳкамловчи махсулотлар, дармондорилар, темир, калций, цинк, калий, селенга бой таомлар тановул қилинг! Асал, мураббо, спиртли ичимликлар, аччиқ, шўр егуликлар, қизил рангли мевалар, бўёқ қўшилган махсулотлар, балиқ ва от гўштидан тайёрланган таомлар, ёнғоқ, ерёнғоқ, писта каби қуруқ мевалар, турли ўтлардан дамламалар истеъмол қилмай турганингиз маъқул. Чунки уларда аллергия хасталик кўзғатувчи хусусиятлар мавжуд. Шунингдек, аллергияга мойил кишилар шифокор тавсиясисиз сульфаниламидлар, антибиотиклар, талваса (судороги), яллиғланиш ва силга қарши препаратлар ҳамда турли витаминлар қабул қилиши мумкин эмас.

Ҳолат

Ортиқча хавотирга ҳожат йўқ

Сўнгги кунларда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда дунёнинг қатор мамлакатлари бўйлаб метаневмовирус инфекцияси авж олаётгани ҳамда ушбу хасталик COVID-19 дан ҳам хавфлироқ экани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Ҳўш, бу ахборотлар қанчалик асосли? Умуман, метаневмовирус ўзи қандай инфекция? У қайси белгилар билан намоён бўлади?

Рустам ИКРОМОВ, Санитария-эпидемиолог осойишталик ва жомат саломатлиги қўмитаси бошқарма бошлиғи.

Метаневмовирус аввалдан маълум инфекция бўлиб, биринчи марта 2001 йилда аниқланган. Касаллик, асосан, ҳаво-томчи йўли орқали тарқалади. Мазкур вирус билан хасталаниш ҳолатлари дунёнинг барча минтақаларида ҳар йили қайд этилади. Метаневмовируснинг куз-киш даврида янада фаоллашуви кузатилади. Бу инфекция одатда бурун оқиси, йўтал ва иситма белгилари билан, худди ўткир респиратор вирусли инфекциялар шаклида пайдо бўлади, баъзи ҳолларда бронхитли ва пневмонияни келтириб чиқаради.

Касалликни даволаш, одатда, симптоматик бўлиб, асосан, уй шароитида беморнинг аҳолини енгиллаштиришга қаратилган муолажалар қўлланилади. Оғир ҳолатларда кислородли терапия ёки касалхонага ётқизиш талаб қилиниши мумкин. Метаневмовирус билан касалланган одамларнинг аксарияти асоратсиз тузалиб кетади. Ўзбекистонда ҳам айни вақтда ўткир респиратор инфекцияларнинг мавсумий кўтарилиши кузатишмоқда. Юртимизда уларнинг лаборатория текширувлари мунтазам амалга ошириб келиняпти ва ана шундай текширувларнинг 39,9 фоизда грип вирус, 32,2 фоизда риновирус, 30,6 фоизда респиратор-синцитиал вирус ва 1,2 фоизда метаневмовирус аниқланган.